2015 ЙИЛ 22 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 195 (13.008)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





*Аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг маданий-маърифий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги "2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида шаҳримизда маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг моддий-техник базасини ривожлантириш, уларни босқичма-босқич таъмирлаш ва жиҳозлаш, янгиларини бунёд этиш ишлари олиб борилмоқда.*

### Қарор ва ижро

## ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Шуниси эътиборга лойиқки, 2015 йилда шаҳримизда 7 та маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари номоддий маданий меросларимиз ҳисобланган миллий санъатимиз ва халқ оғзаки ижодининг дурдоналарини тарғиб қилиш, замонавий студиялар ва тўгаракларни ташкил этиш, шунингдек, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, бадиий ижод ва амалий санъатни ривожлантириш, халқимиз орасида замонавий маданий-маърифий хизматларни кенг ёйиш, иқтидорли ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида самарали фаолият юритиб келмоқда.

Жумладан, куни кеча пойтахтимизнинг энг кенжа тумани ҳисобланган Бектемир туманида ҳам 13-маданият ва аҳоли дам олиш маркази қайта мукаммал таъмирдан чиқарилиб фойдаланишга топширилди. Мазкур маданият масканида ҳам миллий санъатимиз ва халқ оғзаки ижодини тарғиб қилиш, ансамбль ва бадиий жамоалар гуруҳларининг фаолият кўрсатиши учун барча шароитлар яратилган.

— Ушбу марказнинг қад ростлаши ёшларимизнинг санъатга ошно бўлиб ўсиши, турли ҳунар сирларини ўрганишида, мусиқий билимларини оширишида муҳим аҳамият касб этади, — дейди шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси мутахассиси Азиза Юлдашева. — Келажак авлод учун ташкил этилаётган бундай имкониятлар негизида уларнинг бахтли ва фаровон келажагига замин яратилган.

Йигирма мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатишга мўлжалланган маданият ва аҳоли дам олиш марказида спорт заллари, интернет клуб, 250 ўринга эга томоша зали мавжуд.

Жумладан, бу муассасада мумтоз қўшиқ ва мақом ижрочилиги, миллий чолғулар, наққошлик, фольклор-этнографик жамоалари, миллий рақс тўгаракларининг фаолият олиб бориши режалаштирилган.

Марказда ёшлар миллий санъатимиз билан бирга, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, дурадгорлик, наққошлик, ҳайкалтарошлик каби халқ амалий санъатининг турларини ҳам эгаллашади.

Шунингдек, мазкур масканда қўғирчоқ ва ҳаваскорлик театр-студияларининг фаолияти йўлга қўйилаётгани нафақат ёшларимизни, балки бутун аҳолини маънавий баркамолликка чорлайди. Уларнинг маданий дам олишлари билан бирга онг ва тафаккурини теранлаштиришда, иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқаришда, энг асосийси, маданий дам олишларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

**Гулчехра ДУРДИЕВА**

## "ЎЗБЕКИСТОН КЎПГИНА МАМЛАКАТЛАРГА НАМУНА БЎЛИШИ МУМКИН"

***Мамлакатимизнинг Вашингтондаги элчихонасида Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Тадбирда АҚШ ҳукумати ва Конгресси вакиллари, дипломатия корпуси, ишбилармон, экспертлар, маданий, илмий-гуманитар доиралар ҳамда ўзбек диаспораси вакиллари ҳозир бўлдилар.***

**Давлат котибининг ёрдамчиси Ниша БИСВАЛ** республикамизни АҚШ маъмурияти номидан қутлар экан, икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг ҳозирги ривожини ижобий баҳолади. Унинг фикрича, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган биринчи кунларданоқ Америка Қўшма Штатлари юртимизни қўллаб-қувватлаб келаётгани баробарида, мамлакатимиз билан алоқаларни янада мустаҳкамлашни ўз ташқи сиёсатидаги устуворликлардан бири, деб ҳисоблайди.

Тантанали тадбирда АҚШ ишбилармон ва жамоатчилик доиралари вакиллари Ўзбекистон суверен ривожланиш йиллари давомида қўлга киритган муваффақиятларни алоҳида эътироф этдилар.

Хусусан, **Америка – Ўзбекистон савдо палатаси директорлар кенгашининг раиси Кэролин Лэмм** барча аъзо компаниялар номидан Ўзбекистон ҳукуматини давлат мустақиллигининг 24 йиллиги билан чин дилдан қутлади.

— Кейинги йигирма йил мобайнида Ўзбекистон иқтисодиётнинг кўпгина йўналишларида улкан муваффақиятларга эришгани ҳолда, жаҳон бозорларида беқарор вазият сақланиб қолаётган ҳозирги вазиятда ҳам ялпи ички маҳсулот йиллик ўсишининг 8 фоиздан зиёд даражасини таъминлашга қодир бўлган кам сонли мамлакатлардан бири бўлиб қолмоқда, — деди у. — Биз республикада олиб борилаётган ислоҳотларни ҳамда изчил ўзгаришларни, шу жумладан, бозор иқтисодиётига ўтиш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва жозибадор сармоявий муҳитни яратиш бўйича кўрилаётган жиддий чора-тадбирларни маъқуллаймиз ҳамда юқори баҳолаймиз.

**Жан ДУ ПЛЕЙН, "Du Plain Enterprises" компанияси президенти, Халқаро савдо марказининг Жамоатчилик билан алоқалар бўйича дастури директори:**

— Ўзбекистоннинг тарихан қисқа даврда қўлга киритган сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиёти эътиборга моликдир. АҚШ худди шундай муваффақиятларга бир неча ўн йилликлар давомида эришган эди.

Ҳозирги пайтда республика ҳудудида истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат ва элатлар вакиллари ўртасида тинчлик, барқарорлик ҳамда миллатлараро ҳамжиҳатликнинг таъминлангани Ўзбекистоннинг энг муҳим муваффақиятларидан бири ҳисобланади. Дунёнинг қатор минтақаларида тартибсизликлар ва беқарорлик тамойиллари кузатилаётган бир пайтда Ўзбекистоннинг мазкур йўналишдаги сиёсати диний ва миллий негиздаги турли низолар юки елкасига тушган кўпгина мамлакатлар учун намуна бўлишга муносибдир.

**Питер РУДИК, Конгресс кутубхонаси ҳузуридаги Ҳуқуқий тадқиқотлар институти директори:**

— Мустақиллик йилларида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан йўлга қўйилган икки томонлама ҳамкорликни Конгресс кутубхонаси юксак баҳолайди. Томонлар кутубхоначилик иши илмий ходимлари ва мутахассисларини алмашиш бўйича қўшма дастурларни ҳаётга тадбиқ этаётгани баробарида, Америка Қўшма Штатлари ҳамда Ўзбекистонда ташкил этилаётган соҳага доир конференциялар ва бошқа тадбирларда мунтазам равишда иштирок этмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

## ХХI садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Марғилон шаҳрида ёш оилалар учун барпо этилган "Камолот" уйи фойдаланишга топширилди. Марғилон шаҳридаги 48 хонадонга мўлжалланган "Камолот" уйини барпо этишда "Фарғона Зулфизар омади" хусусий корхонаси қурувчиларининг хизмати катта бўлди.**

**● Навоийда ўтказилган саноат кўргазмасида вилоятдаги 86 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти, хизмат кўрсатувчи корхона-ташкилотлар янги ишланмалари ва маҳсулот турлари билан иштирок этди. Кўргазмада маҳаллийлаштириш дастури асосида ўзлаштирилаётган янги маҳсулотлар иштирокчиларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, маиший техника ва буюмлар, тиббиёт, қурилиш, тўқимачилик маҳсулотлари рақобатбардошлиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортди.**

**● Термизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни тайёрлашда ахборот-маслаҳат, услубий ёрдам кўрсатиш, лойиҳаларни ижтимоий шерикликда амалга оширишдаги билим ва кўникмаларини юксалтириш масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

**● Каттақўрғон шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши томонидан вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Яратувчанлик, бунёдкорлик, соғлом турмуш! Бу биз танлаган йўл" лойиҳаси асосида ёшлар форуми ташкил этилди.**

**● Жиззахда "Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажаги" шиори остида II Республика болалар китоби фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда болалар ижросида Ватанимизни мадҳ этувчи қўшиқлар янгради, қўғирчоқ театри спектакллари намойиш этилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Сомали соҳилларида 5,2 магнитудали зилзила юз берди. Ер қимирлаши маҳаллий вақт бўйича 07:03 да қайд этилди. Зилзила маркази Берида шаҳридан 141 километр шимолда, унинг ўчоғи эса ўн километр чуқурликда жойлашган. Қурбонлар ва вайронагарчиликлар ҳақида маълумотлар йўқ.**

**● Шимолий Каролина штатининг шарқий қисмида жиддий автоҳалокат юз берди. Автоҳалокат натижасида 26 киши жабрланди. Дастлабки маълумотларга қараганда, барча жабрланганлар мактабнинг эски автобусида олиб кетилаётган ишчилар бўлган.**

**● Япониянинг автомобиль ишлаб чиқарувчи Toyota компанияси нафақат ўзининг мавжуд мижозлари, балки келажакдаги мижозлари тўғрисида ҳам қайғуради. Tokyo Toy Show кўргазмасида компания болалар учун мўлжалланган Toyota Camatte машинасини тақдим этди. Ушбу ноёб транспорт воситасининг бўйи 2,7 метр, эни 1,2 метрни ташкил этади. У уч киши – олд ўриндиқдаги ҳайдовчи ва орқа ўриндиқдаги икки йўловчи учун мўлжалланган. Ўзининг "ўйинчоқ" кўринишига қарамасдан, Toyota Camatte ҳақиқий двигатель билан жиҳозланган.**

## АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

*Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.*

**Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 30-модда.**

***Пойтахтимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, хорижий мутахассислар, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги таъминланаётгани, аҳоли мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кенг хабардор қилиб борилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга экани Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган. Асосий Қонунимизнинг 30-моддасида Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги белгиланган. Ушбу конституциявий меъёрлар "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида", "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонунларда ўз ифодасини топган.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ 2014 йил 5 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Мазкур қонун асосида жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборот олиши тизими, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар тўғрисида аҳолини кенг ва тезкор хабардор қилиш механизми яратилди.

Тадбир иштирокчилари "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун фуқаролик жамиятини шакллантириш, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини таъминлаш, уларнинг ахборотга оид конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишида муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Қонунда давлат ҳокимияти органларининг фаолияти ҳақида фуқароларни хабардор қилиш, улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатларга оид ахборотдан аҳоли, жамоат бирлашмаларининг кенг фойдаланишини таъминлаш тартиб-тамойиллари аниқ белгилаб берилгани юқори баҳоланди.

Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг асосий тамойиллари белгиланган бўлиб, булар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг ошкора ва очиқлиги, тақдим этилаётган маълумотни излаш, топиш, тарқатиш ва фойдаланиш эркинлиги, ахборотнинг ўз вақтида тақдим этилиши ва ишончлилигини ўз ичига олади. Бундан ташқари, давлат органлари фаолиятининг очиқ ва ошкоралиги, ахборотдан фойдаланиш эркинлигини таъминлашнинг амалий механизмлари ва усуллари аниқ қайд этилган.

Давлат органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб боришда уларнинг ахборот хизматлари алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча вазирлик ва идораларда ахборот хизматлари ташкил этилган, уларнинг фаолияти изчил такомиллаштириб борилмоқда.

Ахборот хизматлари ташкилот фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, веб-сайтларни мунтазам янгилаб бориш, жамоатчилик билан алоқани таъминлаш каби қатор муҳим вазифаларни бажараётир.

Ахборот хизматлари қонунчиликнинг электрон маълумот тизимлари ёрдамида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва тегишли материалларни чоп этиш ва тарқатиш орқали ахборотдан фойдаланишни таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги бир ярим йилда Ягона интерактив давлат хизматлари порталида 184 меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ва бошқа маълумотлар жойлаштирилди. Бу қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини оширишга хизмат қилмоқда.

Семинарда бу каби ишларнинг амалга оширилиши давлат органларининг фаолияти ҳақида аҳолининг хабардорлиги даражасини ошириш билан бир қаторда мамлакатда амалга оширилаётган демократик жараёнларни янада фаоллаштириш, бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштириш, сиёсий тизимни изчил демократлаштириш, суд ҳокимияти, сўз ва ахборот эркинлиги мустақиллигини мустаҳкамлаш, сайлаш эркинлиги ва сайлов тизимини ривожлантириш, фуқаролик институтларини шакллантириш, энг асосийси, аҳолининг сиёсий маданияти, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш каби энг муҳим вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилишига хизмат қилаётгани таъкидланди.

– Ушбу анжуман Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар, соҳада рўй бераётган янгиликлар билан танишиш, бу борада тажриба алмашиш учун қулай имконият яратди, – деди фуқаролик жамияти билан муносабатларни ривожлантириш бўйича эксперт, Греция парламенти вакили Дмитрий Макарайдис. – Грецияда ҳам яқинда шундай қонун қабул қилинди ва у мамлакатимиз фуқароларига давлат ташкилотлари фаолияти ҳақида зарур маълумотларни олиш имконини бераётир. Ўзбекистонда давлат органлари ахборот хизматлари фаолияти самарали ташкил этилганига гувоҳ бўлдик. Бу каби саъй-ҳаракатлар Ўзбекистонни янада демократлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишга муносиб ҳисса қўшади.

Тадбирда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун вазифалари, шунингдек, қонунчиликнинг бошқа ҳужжатларини амалда самарали қўллаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматларининг фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ТАДБИРКОРЛИККА МУҲИМ ЭЪТИБОР

***Республикамизда жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни, аввалambор касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш бўйича бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.***

Хусусан, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига киритилган ўзгартиришларга кўра, микрофирма ва кичик корхоналар томонидан касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчилари ҳисобига банд ходимларнинг ўртача йиллик сонининг белгиланган меъёрини 20 фоиздан 50 фоизга ошириш мумкинлиги белгилаб қўйилди. Бунда микрофирма ва кичик корхоналар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан фойдаланиш имконияти сақлаб қолинади. Касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни тугаллаган кунидан бошлаб уч йилгача муддатда ишга қабул қилинган бўлиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 375-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлаганидан кейин ўн икки ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, шу санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади. Якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтилган пайтдан бошлаб ўн икки ой ичида фаолият тугатилган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланади.

Жорий йилнинг 15 май куни Республикамиз Президенти томонидан қабул қилинган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонда ҳам хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ёшларни тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, 2015 йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан Солиқ кодексининг 18, 180, 311, 373-моддаларига тегишли ўзгартиришлар киритилди ва янги 374[1] модда билан тўлдирилди. Унда ходимларни ёллаган ҳолда фаолиятни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари белгилаб берилди.

Тошкент шаҳар давлат солиқ органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка яратилаётган бундай қулай шарт-шароитлар тадбиркорлар ва аҳоли билан бўлиб ўтаётган учрашувлар, семинарлар ва давра суҳбатларида кенг қамровда етказиб борилмоқда. Шунга кўра кўплаб кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлар бундай қулай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ёшларни ишга жалб этган ҳолда ўз фаолиятларини кенгайтирмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, солиқ қонунчилигига киритилаётган бундай янгиликлар ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга катта имконият яратади.

**А.АБДУНАЗАРОВ,**
**Миробод**
**туман ДСИ бошлиғи в.в.б.**

***"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясида Канаданинг "CAE" компаниясида ишлаб чиқарилган янги тренажёр – "A-320" самолётининг Full-flight симулятори ўрнатилмоқда. Ушбу тренажёр ёрдамида учувчилар юқори даражада реал шароитларга яқинлаштирилган ҳолатда парвоз этиш кўникмасини мустаҳкамлайди ва ноодатий вазиятларда ҳаракатланишни машқ қилади.***

# МУТАХАССИСЛАР УЧУН ЯНГИ АВИАТРЕНАЖЁР

Бугун "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси халқаро авиаташувлар бозорида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга. Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз ҳаво кемалари парки модернизация қилиниб, ғарб давлатларида ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатишнинг замонавий базаси яратилди ва аэропортлар реконструкция қилинди. Бутун мамлакатимиз бўйлаб навигация тизими такомиллаштирилди. Ушбу тизим ҳавода ҳаракатланишни бошқариш бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги энг яхши тизимлардан бири ҳисобланади.

"A-320" самолётининг Full-flight симулятори авиация хавфсизлиги, юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг самарадорлигини ошириш борасидаги янги босқичдир. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Ўқув-машғулот марказининг тренажёр мажмуасида ўрнатилаётган "CAE" компаниясининг янги ишланмаси замонавий компьютер таъминоти, қўзғалиш ва визуализация тизимлари билан жиҳозланган. У ўзида "A-320" самолёти учувчилар хонасини мужассамлаштирган.

Айни пайтда канадалик мутахассисларнинг биринчи гуруҳи монтаж ишларини амалга оширмоқда. Сентябрь ойи охирида мутахассисларнинг иккинчи гуруҳи дастурий таъминотни ва тренажёр ускуналарини созлашга киришади. Бу ишлар якунланганидан сўнг Миллий авиакомпания учувчи-йўриқчилари "CAE" компанияси мутахассислари билан тизимни синовдан ўтказади ва қабул қилади. Тренажёрни баҳолаш натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси "Дававианазорат" инспекцияси томонидан янги симулятордан фойдаланишга сертификат берилади. Тренажёрни техник таъминлаш мақсадида биринчи босқичда канадалик мутахассислар Ўқув-машғулот марказида авиакомпаниянинг саккиз нафар муҳандисини ўқитади. Уларга мустақил хизмат кўрсатиш учун рухсат берилади. Янги Full-flight симулятори ноябрь ойининг охирида фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда.

Бугунги кунда Миллий авиакомпаниянинг тренажёр мажмуасида "Боинг-757/767", "A-320" ҳаво кемаларининг замонавий тренажёрлари ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган "Ил-114-100" самолётининг ўзига хос Full-flight симулятори мавжуд. FFS "A-320" фойдаланишга топширилиши билан хорижий ўқув марказларини жалб этмаган ҳолда мамлакатимизда "A-320" аэробуслари учувчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун зарур база яратилади.

**М.МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**

# "ЎЗБЕКИСТОН КЎПГИНА МАМЛАКАТЛАР НАМУНА БЎЛИШИ МУМКИН"

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қуёшли ўлкада қонун ижодкорлиги вожлантириш ҳамда ҳуқуқшунос кадр ёрлаш масалаларига қаратилаётган бизларни қувонтиради. Чунки Амери демик ва тадқиқотчилар доираларид публикадан олинадиган ҳуқуқшуносли китоб ҳамда материалларга талаб Ҳуқуқий соҳани ривожлантириш Ўзбе нинг янада гуллаб-яшнашига хизмат деб ўйлайман.

**Браян ЛОПП, "Боинг" компани халқаро алоқалар бўйича директор**

— Мамлакатингиз билан, айниқса, тон ҳаво йўллари" миллий авиаком билан мустаҳкам ва дўстона алоқал бўлиш биз учун катта шараф. Ўзаро ликни янада кенгайтиришга йўналт саъй-ҳаракатларимиз мамлакатингиз тармоғини такомиллаштириш ҳамда йўлларининг кадрлар салоҳиятини лашга кўмаклашаётганидан жуда ф миз. Шунингдек, томонлар самолётла мирлаш бўйича минтақадаги ягона барпо этиш юзасидан ҳам ўзаро қилмоқда.

Биз ҳозирги пайтда дунёнинг энг тақа ва мамлакатларининг аксарият раб олган Ўзбекистон фуқаро авиа жадал ривожланаётгани республикан тақиллик йилларида қўлга киритга ютуқларидан бири, деб ҳисоблашга Шу билан бирга, Ўзбекистон ҳамда компанияси ўртасидаги ҳамкорлик тон — Америка савдо иқтисодий ва вий ҳамкорлигининг муҳим қисмидир си йилларда икки томонлама ҳамкор янада чуқурлашишига ишонамиз. Бу сиз ҳар икки мамлакат халқларининг вонлигига хизмат қилади.

"Жах
Ва

**Экология**

# АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

***Пойтахтимизнинг Яккасарой туманида "Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонун мазмун-моҳияти ҳамда мазкур соҳадаги давлат дастурларини жойлардаги ижроси" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. хабар беради ЎзА.***

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий лиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат татлар гуруҳи аъзолари, Экоҳаракат кенгаши ижроия қўмитаси ва "Маҳалл рия жамоат фонди туман бўлими ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолла налистлар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов рах гида мамлакатимизнинг барқарор ри ши, аҳоли саломатлигини асрашда муҳит мусаффолигини таъминлаш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал этишда лик назоратини кучайтиришга алоҳида қаратилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Эколо рат тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик да"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви ри фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги ва нинг санитария-эпидемиологик осойи тўғрисида"ги қонунлари фуқароларнинг ўз бошқариш органлари, фуқаролик жамғ бошқа институтлари ҳамда кенг жамоатчи атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бора фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

"Экологик назорат тўғрисида"ги Ўзб Республикаси қонунида экологик на амалга ошириш, атроф-муҳит ва аҳо матлиги мониторинги соҳасида ННТ ўрни ва роли белгилаб берилган.

Давра суҳбатида мазкур қонун маз ҳияти, аҳолининг экологик маданиятин тириш, атроф-муҳитни муҳофаза қили рида жамоатчилик иштироки ва фаоллиг томонлама кучайтириш, Экоҳаракат, ф жамияти институтлари ва маҳаллалар лигини мустаҳкамлаш юзасидан фикр ди. Иштирокчилар мавзу юзасидан қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Н.НА





***Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш, ҳар бир хонадонда ичимлик суви, иссиқлик, газ таъминоти ва бошқа маиший қулайликлар яратилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда иқтисодиёт тармоқларини, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумида узлуксиз ишлашга тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга.***

**Қиш тайёргарликни ёқтиради**

# КУЗ-ҚИШ МАВСУМИДА МУАММОЛАР БЎЛМАЙДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 7 июлдаги республика иқтисодиёти тармоқларини 2015-2016 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурида коммунал хўжалик, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқа тегишли тармоқлар зиммасига тизимдаги ишларни талаб даражасида йўлга қўйиш, истеъмолчиларга куз-қиш мавсумида узлуксиз ҳамда сифатли хизмат кўрсатиш борасида катта масъулият юкланган. Бу борада пойтахтимизда ҳам муайян ишлар бажарилмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 7 апрелдаги қарори ижро учун қабул қилиниб, Тошкент шаҳри иқтисодиёти тармоқлари, уй-жой фондини ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг аниқ ҳажмлари, муддатлари ва чора-тадбирлари белгиланиб, шаҳар штаби фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирда шаҳардаги кўп қаватли уй-жой фондини 2015-2016 йиллар куз-қиш мавсумига барқарор тайёрлаш мақсадида кўп қаватли уйларни таъмирлаш юзасидан жорий йилнинг 10 сентябридан 10 октябригача қўшимча амалга ошириладиган ишларнинг тармоқ жадваллари тайёрланди.

Унга кўра қозонхоналар, иссиқлик трассаларини капитал ҳамда жорий таъмирлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Куз-қиш мавсуми олдидан барча иситиш тизимлари юқори босим остида тўлиқ текширувдан ўтказилмоқда. Кўп қаватли уй-жой фондини қиш мавсумига тўлиқ тайёрлаш мақсадида уй-жойларнинг 676 минг 500 квадрат метр том қисмлари мукаммал ва жорий таъмирдан чиқарилди. Шундан 257 та кўп қаватли уйларнинг қарийб 143 минг квадрат метр том қисми мукаммал ва 3 минг 836 кўп қаватли уйнинг 533 минг квадрат метр том қисми жорий таъмирланди.

Жойларда кўп қаватли уй-жойлар атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида 7 минг 300 дан ортиқ кириш йўлаклари таъмирланиб, эшикларга кодли қулфлар ўрнатилди. Қарийб 900 лифт ва 5 минг 120 та уйнинг ертўла қисми таъмирланди. 223 та болалар ва спорт майдончаси қурилиб, мавжуд 726 ана шундай масканлар таъмирланди. Шу билан бирга, 811 та кўп қаватли уйлар олд қисмидаги йўлаклар янги технология асосида бетон қоришмаси билан қопланди.

Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасидан маълум қилишларича, кўп қаватли уй-жойларнинг том қисмларини таъмирлаш учун зарур бўлган замонавий том ёпиш қопламалари ва бошқа материалларни хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига етказиб бериш инфратузилмаси шакллантирилган. Ҳозирда "Тошкоммунал-таъминот" жамияти буюртма асосида, шартномага мувофиқ зарур материалларни имтиёзли нархларда етказиб бермоқда.

— Кўп қаватли уй-жой фондининг қиш мавсумига тайёргарлиги ҳолати бўйича жойларда жамоатчилик назорати ўрнатилган, — дейди 2015-2016 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича Тошкент шаҳар штабининг масъул котиби Дилмурод Зокиров. — Улар томонидан уй-жойлардаги мавжуд ҳолат ўрганилмоқда. Бажарилган юмушларнинг сифатини таъминлаш мақсадида масъул идоралар вакилларидан иборат жамоатчилик комиссиялари тузилган бўлиб, мазкур комиссия далолатномалари асосида ишлар қабул қилинаётир. Бундан ташқари куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш, ширкатларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида тижорат банклари 23,3 миллион сўм, тротуарларни бетонлаш учун 11,2 миллион сўм имтиёзли кредит ажратди.

Истеъмолчиларга етказиб берилаётган коммунал хизматларнинг сифатини ошириш, тизимларни модернизация қилиш юзасидан коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан муҳандислик тармоқлари, иншоотларини жорий ва мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 22,6 километр иссиқлик, 14,6 километр ичимлик, 5 километр оқава сув, 15,9 километр газ, 230,7 километр электр тармоқлари, 20 дан ортиқ иссиқлик етказиб берувчи қозонлар, 437 та трансформатор пунктлари мукаммал таъмирдан чиқарилди.

Яна бир гап. Қиш мавсумини беталофат ўтказиш, содир бўладиган авария ҳолатларини тезкорлик билан бартараф қилишга ҳозирлик доирасида коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарида зарур бўладиган эҳтиёт қисмлар ва жиҳозлар жамғарилиб, техникалар шай ҳолатга келтирилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳридаги ижтимоий соҳа объектларида ҳам қиш мавсумига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Мисол учун, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим масканлари, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларни қиш мавсумига шай ҳолга келтириш ишлари давом этмоқда. Таълим масканларининг бинолари, улардаги муҳандислик-коммуникация тизимлари, иситиш тармоқларини таъмирлаш ва янгилашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳозирда мавсумга тайёргарлик жараёнида белгиланган чора-тадбирларни ўз муддатида бажариш ишлари жадал бормоқда. Куз-қиш даврини хотиржам ўтказишни таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар тармоқдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати ва турмуш даражасини оширишга қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир ифодасидир.

**Зиёда ВОҲИДОВА**

***Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан ёш олимлар ва мутахассислар танлови доирасида "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" деб номланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.***

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

# ФАОЛ ТАЛАБАЛАРГА КЕНГ ШАРОИТЛАР

Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакиллари, ёш олимлар, талабалар, партиянинг "Ёшлар қаноти" фаоллари мамлакатимизда таълим соҳасини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар, қўлга киритилган ютуқлар борасида ўзаро фикр алмашди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида юксак маънавиятли, эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Фуқаролар, аввало, ёшлар ва аёлларнинг интеллектуал меҳнат соҳасида ўз қобилият ва истеъдодини намоён этиши учун зарур шароитлар яратиш, бу борада фуқаролик институтлари фаолиятини кучайтириш Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сайловолди дастурида илгари сурилган. Айниқса, таълим тизимида ислоҳотларни чуқурлаштириш, соҳанинг юқори халқаро мезон ва стандартларга мослигини таъминлаш муҳим вазифалардан биридир.

ЎзЛиДеП ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, меҳнатини рағбатлантириш, бизнесга оид режа ва лойиҳаларини амалда татбиқ этиш мақсадида бир қатор акциялар, танловлар, анжуманлар ўтказиб келмоқда. Ёш олимлар ва мутахассислар танлови улардан биридир.

– Мамлакатимизда таълим соҳасини ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ёшларга қаратилаётган улкан эътибор ифодасидир, – дейди ЎзДЖТУ магистранти, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳиби Марат Эшжонов. – Яратилаётган шароитларни, билдирилаётган юксак ишончни билимимиз, янги ташаббусларимиз билан оқлаймиз.

Тадбирда қисқа даврда халқимиз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганини, "Ким эдигу ким бўлдик?" деган ҳаётий ҳақиқатни кейинги йилларда эришилган бекиёс ютуқ ва марралар мисолида яққол кўриш зарурлиги қайд этилди.

"Камолот" лойиҳалари

# ХАЙРЛИ ТАШАББУС

***Кекса авлод вакилларини қадрлаш — халқимизга хос эзгу фазилатдир. Юртимизда ёши улуғ инсонларга моддий-маънавий ёрдам бериш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишига айланди.***

Тинч-осойишта кунларимизнинг бардавом бўлишини дуо қилаётган, ёшларни эса Ватанни қадрлашга ундаётган кексаларимизнинг ҳаёт йўли ҳаммамиз учун ибрат бўлиб хизмат қилмоқда. Ёши улуғ бўлган инсонларни қадрлаш, эъзозлаш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган юксак қадриятдир. Халқимиз азалдан каттага ҳурмат, кичикка иззат кўрсатиб келади.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улуғбек туман Кенгаши томонидан "Фарзандлик бурчим" лойиҳаси доирасида хайрли ташаббус амалга оширилди.

"Тошшаҳарйўловчитранс" ДАК тизимидаги туманда жойлашган 2-автобус саройидаги автобус йўналишларига тарбиявий аҳамиятга эга махсус ёзувли ёпиштиргичлар (стикер) ёпиштириб чиқилди. Ушбу ташаббусга фаол ва иқтидорли ёшлар жамоат транспортида ўз тенгдошларига кекса авлод вакилларига ҳурмат ва эътиборни кучайтириш мақсадида қўл уришди.

— Амалга оширилган тадбирдан кўнглим тоғдек кўтарилди, — дейди "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши фаоли Жавлон Ўринов. — Бу ҳаракатимиз билан тенгдошларимизга янада эътиборли бўлишга, катталарга ҳурмат кўрсатишни унутмасликни уқтирмоқчимиз.

# ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИ ОШМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида мамлакатимиз олий таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда вазирлик тизимидаги ташкилотлар, олий таълим муассасалари масъул ходимлари, журналистлар иштирок этди.***

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Б.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни интеллектуал салоҳиятли, зукко қилиб тарбиялаш, уларга пухта билим бериш тизимини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 20 майдаги Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори таълим-тарбия тизимини яна такомиллаштириш, истеъмолчилар талабларини ҳисобга олган ҳолда таълим хизматлари сифатини ошириш, олий таълим муассасалари фаолиятини модернизация қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур қарор асосида ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ олий ўқув юртлари бинолари янгидан қурилмоқда ёки реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозланмоқда. Жумладан, жорий йилда инвестиция дастурига киритилган 14 олий таълим муассасасида 224,3 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Келаси йили дастурга мувофиқ 13 таълим даргоҳининг 52 объектида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Ўқув даргоҳлари фаолиятини замонавий дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар, илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш таълимни жаҳон андозалари даражасида ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга. Жорий йилда 18 олий таълим муассасаси 26 номдаги ўқув-лаборатория тўпламлари, мебель ва инвентарлар, ахборот-коммуникация техникалари ва спорт анжомлари билан жиҳозланди.

– Таълим соҳасидаги ислоҳотлар жараёнида иқтисодиётнинг реал сектори, меҳнат бозоридаги талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда юқори малакали мутахассислар тайёрлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда, – дейди вазирликнинг олий таълим муассасалари бош бошқармаси бошлиғи Иномжон Мажидов. – Ҳар йили ижтимоий-иқтисодий соҳалар учун долзарб бўлган йўналишлар бўйича янги ихтисосликларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йил 6 олий ўқув юртида 7 янги таълим йўналиши очилди.

ZiyoNet ахборот-таълим порталининг fikr.uz ва utube.uz сайтлари соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва маънавий етук шахслар қилиб шакллантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий ва ўқув материаллари билан бойитиб борилмоқда.

Соҳада халқаро ҳамкорлик самарали йўлга қўйилгани, таълим мазмуни ва сифати изчил бойиб бораётгани йигит-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириб, уларнинг мамлакатимиз ҳаёти ва тараққиётида фаоллигини кучайтирмоқда.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутасаддиларидан жавоб олди.

**(ЎзА)**

Тадбирлар

# ОНА ВАТАНГА МУҲАББАТ — УЛУҒ ТУЙҒУ

***Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 2-сон академик лицейда "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида уч авлод учрашуви ўтказилди.***

Тадбир "Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" таълабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ҳамда Ўзбекистон "Veteran" ангчи фахрий ва ногиронлар бирлашмаси Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давра суҳбати давомида ёши улуғ уронийлар ҳамда Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари суронли йилларда, жумладан, Ўзбекистон устақиллигидан олдинги даврда ўлган қийинчиликлар, унинг унутилмас аянчли ва оғир хотиралари ҳақида ёшларимизга батафсил ўзлаб беришди.

— Нуронийларимиз ёшларимизга бугунги тинч кунларнинг қадрига тиш, Юртбошимиз томонидан парга яратиб берилаётган кенг имкониятлардан оқилона фойдаланиш, тинч кунларга осонлик билан эришилмаганлигини алоҳида таъкидлаб тдилар, — дейди "Камолот" ЁИҲ Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгашининг Сардорлар Кенгаши аъзоси Шаҳноза Машарипова. — Кексаларимизнинг ўтган асрдаги ноҳақликлар ҳақидаги фикрлари, Ватан олдидаги муқаддас бурчларини қай йўсинда амалга оширганлари ҳақидаги суҳбатлари ташриф буюрган ёшларда юртни эъзозлаш, кексаларни қадрлаш, ёшлар учун яратилаётган имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш зарурлигини янада кучлироқ англашларига бир туртки бўлди.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад – нуронийларимизнинг ҳаётий тажрибалари орқали ёш авлодни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдан иборатдир. Мустақиллигимизни асраб-авайлаш, тинчлигимизни эъзозлаш, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига келажак авлодни жалб этишда бу каби тадбирларнинг аҳамияти беқиёсдир.

**Зарина РУСТАМОВА**

# ИЖОДКОР БОЛАЛАР ТАНЛОВИ

***Республика болалар кутубхонасида "Мустақиллик мадҳи болалар ижодида" кўрик-танлови голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ёзувчилар ошмаси, Республика олалар кутубхонаси амда "Тонг юлдузи" азетаси ҳамкорлигида ашкил этилган мазкур анловда умумтаълим актабларининг 1-9-инф ўқувчилари ўз ҳодий ишлари билан атнашди.

Республика болалар утубхонасида ўқувчиарнинг китобга бўлган ехрини янада кучайтириш, уларда қўшимча дабиётлар билан ишлаш кўникмасини шакллантириш, билимини мустаҳкамлаш мақсадида китобхонлик кечалари, турли маърифий тадбирларни ўтказиш яхши анъанага айланган. Ушбу масканда кичик ёшдаги китобсеварлар учун мўлжалланган 250 мингта яқин китоб, суратли альбомлар, илмий-маърифий журнал ва рисолалар мавжуд.

Ушбу танловдан кўзланган мақсад ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, улар қалби ва онгида истиқлол ғоясига садоқат, она Ватанга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат туйғуларини қарор топтириш, ижодкор ўқувчиларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 4-мактаб ўқувчиси Вазирахон Зайнобиддинова тасвирий санъат, Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 2-давлат ихтисослаштирилган мактаби ўқувчиси Садоқат Абдуқаюмова ҳикоя ҳамда Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 45-мактаб ўқувчиси Умида Саттарова шеърият йўналиши бўйича биринчи ўринни қўлга киритди.

**А.КИЁСОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Шаҳримизда тўқсон, юз ёшни қаршилаган бўлса-да, ҳамон тетик ва бардам, ўзининг доно ўгитлари, қимматли панд-насиҳатлари билан маҳалласининг ободу файзли бўлишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган пири-бадавлат отахон ва онахонларимиз кўплаб топилади.***

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

# СЕРМАЗМУН ҲАЁТ ЙЎЛИ



Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи маҳалла фаоли, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Қуролли Кучлар фахрийси, истеъфодаги генерал-майор Абдуллажон Ортиқбоев ҳам бутун умрини эл-юрт равнақига бағишлаган, ҳозирда эса фарзандлари, невара-эвараларининг ардоғида умргузаронлик қилаётган кексаларимиз қаторига киради.

Дарҳақиқат, Абдуллажон Ортиқбоевнинг умр дафтари саҳифаларини варақласангиз унинг ҳаёт йўллари чиндан ҳам ибратли ва сермазмун эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Абдуллажон ота бутун умрини ҳарбий хизматга фидойилик билан бахшида этди. Унинг ўтказган ҳар бир куни воқеа-ҳодисаларга, ҳаёт қўшиғига чиндан ҳам лиммо-лим, бой.

...Ўшанда Янги йил кечаси эди. Қадди-қоматига ярашиқли ҳарбий кийимдаги Абдуллажоннинг ўткир нигоҳи дугоналари ичида ажралиб турган Шозодахонга тушди-ю ушбу оқила қиз билан ҳаётини бир умрга боғлади. Шунга ҳам салкам етмиш йил бўлибди. Ҳозирги пайтда Абдуллажон ота ва Шозодахон ая бир қиз, уч невара ва олти нафар эвараниг суюкли ва ардоқли бобоси ва бувиси бўлиб ҳаёт гаштини суришмоқда.

Ушбу воқеа бир умрга ёдимдан кўтарилмайди. Бир куни зарур юмуш билан тумандаги нуфузли идоралардан бирининг раҳбари ҳузурига бирга бордик. Уч дақиқага мўлжалланган учрашув бир ярим соат давом этди. Абдуллажон ака айтиб бераётган воқеалар, унинг форс, ўзбек ва рус тилларида гоҳ Жомий, гоҳ Саъдийдан, гоҳ Насимий, гоҳ Фузулийдан, гоҳ Навоий, гоҳ Умар Ҳайёму Заҳириддин Бобурдан ёддан ўқиган ғазалларига ғоят мафтун бўлиб қолган раҳбар генерал билан яна учрашиш, унинг бундай мароқли гапларидан, ҳаёт қўшиғига монанд сўзларидан баҳра олиш орзусида эканлигини айтди.

Бундай хотира ва иқтидорни Абдуллажон ака оналари Саодатбону, оталари Ортиқбойдан олганлигини фахр билан айтишни канда қилмайди. Ёшлигида эшитиб, умр бўйи ёд бўлиб қолган "Гўрўғли", "Алпомиш", "Кунтуғмиш" достонларидан, шеъриятнинг буюк даҳолари ижодидан ҳозир ҳам парчаларни айтиб беради. Абдуллажон Ортиқбоевнинг китоб жавонидан форс, тожик, ўзбек, рус тилларида чоп этилган талайгина китоблар ўрин олган.

Дарҳақиқат, Истиқлол йилларида Мирзо Улуғбек туманидаги "Лашкарбеги" маҳалласи оқсоқоллигига бир неча бор сайланган кезлари кўрсатган жонкуярликлари, одамларга меҳр-муҳаббати, муруввати ва эзгу ишлари ҳақида кўп ва хўб гапирса арзийди. Одамлар ташвиши билан яшаш, эл дардига дармон бўлиш, кам таъминланган оилаларга, якка-ёлғиз кишиларга ҳар томонлама меҳр-мурувват кўрсатиш, маҳалла ободончилиги йўлидаги ишларга одамлар бошини қовуштириш ва бошқа кўпдан кўп юмушларни рисоладагидек бажаришда ҳам Абдуллажон Ортиқбоев ибрат ва намуна кўрсатди.

— Одамларга, Ватанга сидқидилдан хизмат қилишнинг ўзи катта бахт. Шу хизматларинг муносиб тақдирланса бошинг осмонга етар экан, — дейди Абдуллажон Ортиқбоев. — Каминанинг хизматлари ҳам юксак мукофотларга лойиқ кўрилди. Биздек ёши улуғ, кекса авлод вакилларини ардоқлаётган, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатаётган Юртбошимизнинг азиз бошлари омон, умрлари узоқ бўлсин.

Қаранг, Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурининг ҳар бир сатри биз, ёши улуғ нуронийларга эътибор ва ғамхўрлик билан йўғрилган. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай эҳтиром ва эъзоздан умримизга умр қўшилмоқда, кексалик гаштини суриб, ҳаёт қўшиғини мудом айтишга бизларни илҳомлантирмоқда...

Шу кунларда ўзининг қутлуғ тўқсонинчи баҳорини қаршилаётган, қалби юртига, одамларга меҳр-муҳаббат билан тўлиб-тошган Абдуллажон Ортиқбоев кечирган умридан мамнун. Биз ҳам бутун умрини эл-юрт хизматига садоқат билан бахшида этган Абдуллажон Ортиқбоевга икки дунё саодатига мушарраф бўлишларини сўраб у ҳақдаги дил истакларимизни шу ерда мухтасар этамиз.

**Солиҳ ЁҚУБОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими**

**СУРАТДА: Абдулла ота Ортиқбоев эваралари даврасида**

# ЎТКАЗИЛДИ

***Пойтахтимизда ёшлар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларидан бўлмиш корд авиамодель бўйича Республика очиқ турнири бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ташаббуси билан ушбу мусобақа Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга, спортнинг техник ва амалий турларига кенг жалб қилиш мақсадида ташкил этилди.

Ўтказилган турнирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан Республика ҳамда халқаро мусобақаларда ғолиб, совриндор бўлган 90 нафар спортчилар иштирок этди.

Терма жамоалар таркибини "F-2-A", "F-2-B", "F-4-B" классида 14-17 ёшдаги 3 нафар спортчи, "F-2-A", "F-2-B", "F-2-C", "F-4-B" классида 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 5 нафар спортчилар ташкил этди.

Корд авиамодель баҳсларида тошкентлик Муҳиддин Бобораҳимов, Иззат Мўминов, Вадим Васильев, Тошкент вилоятидан Равшан Ибодуллаев, наманганлик Нуриддин Зайниддинов, фарғоналик Лазиз Ғаффоров, андижонлик Шоир Жўраев, навоийлик Умиджон Норпўлатов, Акмал Турдиев, Элбек Эшназаров шоҳсупага кўтарилди.

Мусобақа иштирокчиларининг бўш вақтларида мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотлар, тарихий ёдгорликлар, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига зиёратлар уюштирилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан 12.12.2014 йилда 010419-08 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган, 2015 йил 1 майда Мирзо Улуғбек туманида ТСРЎИ томонидан №009750-04 реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган "ОТТИМО" МЧЖ (ИНН 303116739)

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон нашр қилинган кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99890 975 40 47.
Асос: Қарор №6, 21.09.2015 сана.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси ушбу театр фахрийси, Ўзбекистон халқ артисти
**Обид ЮНУСОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.





ЎзА олган суратлар

## Спорт янгиликлари

# БИЛЛУР СОВРИН КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

***Футбол мухлислари икки кун мобайнида пойтахтимизда уюштирилган Ўзбекистон кубоги ярим финалининг "Локомотив" — "Насаф" ҳамда "Бунёдкор" — "Пахтакор" жамоалари ўртасидаги такрорий учрашувларига гувоҳ бўлишди.***

Айтиш жоизки, дастлаб "Локомотив" жамоаси Қаршининг "Насаф" командасига қарши Ўзбекистон кубоги финали йўлланмаси учун кураш олиб борди. Бу икки етакчи жамоа ўртасида Қаршида ўтказилган дастлабки беллашув 2:0 ҳисобида қаршилик чарм тўп усталарининг ғалабаси билан якунланган эди. Шу боис "Локомотив"га ғалаба сув ва ҳаводек зарур эди. Учрашув мухлислару мутахассислар тахмин қилишганидек Вадим Абрамов шогирдларининг устунлигида кечди. Шу куни ҳар икки жамоа тезкор, ҳужумкор ўйин намойиш этди. Меҳмонлар асосан қарши ҳужумга таянган ҳолда тўп сурган бўлишса, Вадим Абрамов шогирдлари рақиб дарвозаси олдида кўплаб хавфли вазиятларни содир этишга интилишди. Бироқ шу куни "Насаф" ҳимоячилари бехато ўйнашга ҳаракат қилишди. Биринчи бўлимда дарвозалар дахлсиз қолди. Иккинчи бўлим бошида стандарт вазиятдан Бикмаев унумли фойдаланди. У аниқ ва кучли зарба билан меҳмонлар дарвозасига гол киритди — 1:0.

Қолган дақиқаларда мезбонлар рақиб дарвозасига бошқа гол кирита олишмади ва икки ўйин натижасига кўра "Насаф" Ўзбекистон кубоги соҳиби бўлиш учун яхши имкониятга эга бўлди. Бу "Насаф"нинг Ўзбекистон кубоги финалида бешинчи иштироки бўлади.

Шунингдек, "Бунёдкор" стадионига йиғилган минглаб мухлислар "Бунёдкор" — "Пахтакор" ўртасидаги Ўзбекистон кубоги ярим финали жавоб учрашувига гувоҳ бўлишди. Бу икки жамоа ўртасида кечган дастлабки беллашув 3:2 ҳисобида "Бунёдкор"нинг ғалабаси билан якунланган эди. Аммо чемпионлик учун жорий йилда ҳам дадил одимлаётган "Пахтакор"нинг ушбу ўйинда ғалаба қозониши тахмин қилинган эди.

Дарҳақиқат, учрашувнинг дастлабки дақиқаларидан устунликка эришишга интилган "Пахтакор" мезбонлар дарвозаси томон кўп бор ҳужумлар уюштирди. Бироқ, уларни самарали якунлаш пахтакорчиларга насиб этмади. Ҳимояни мустаҳкамлаб қарши ҳужумда ўйнашга интилган "Бунёдкор" футболчилари рақиб дарвозабони ва ҳимоячисининг хатосидан унумли фойдалана олишди. Ёш, умидли чарм тўп устаси Элдор Шомуродов "Пахтакор" дарвозасига гол киритди.

Қолган дақиқаларда дарвозаларга бошқа гол киритиш ҳеч қайси жамоа вакилларига насиб этмади.

Қизиқарли беллашувни 1:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал эта олган "Бунёдкор" энди Ўзбекистон кубоги финалида "Насаф" жамоасига қарши майдонга тушади.

Ўзбекистон кубоги соврини жорий йилда қайси жамоага насиб этади? Ҳар ҳолда буни олдиндан айтиш қийин. Лекин нима бўлганида ҳам "Бунёдкор" ва "Насаф" ўртасидаги Ўзбекистон кубоги финал беллашуви муросасиз, қизиқарли ўтиши аниқ.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

***Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган регби-7 спорт ўйини бўйича хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақасига пухта тайёргарлик кўрган Тошкент шаҳри жамоаси деярли барча рақибларини тажриба эвазига мағлубиятга учратиб, турнир ғолибига айланди.***

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Нукус шаҳрида бўлиб ўтган бу йилги баҳсларда Тошкент шаҳри жамоасидан ташқари Жиззах, Самарқанд, Навоий, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари ҳамда мезбон Қорақалпоғистон Республикаси жамоалари иштирок этишди.

Таъкидлаш жоизки, терма жамоамизга номзод барча регбичиларни ўзида жамлаган кубок ўйинлари тенг курашлар остида ўтгани билан аввалгиларидан фарқ қилди. Айниқса, Фарғона водийси жамоалари ҳамда жиззахлик регбичи қизлар ўйинида тезкорлик яққол сезилиб турди.

Ўзбекистон кубогининг эркаклар ўртасидаги мусобақасида эса майдонда бир-бирини яхши тушуниб ҳаракат қиладиган ўз етакчиларига эга Жиззах вилояти жамоаси ғолиб чиқди.

# ЎСМИРЛАРИМИЗ ОСИЁДА БИРИНЧИ БЎЛИШДИ

***Осиё ўйинлари дастурига расмий тарзда киритилган ўзбек кураши бугунги кунда яккакураш мусобақалари орасида дунё бўйлаб кенг қулоч ёзиб бормоқда.***

Хусусан, куни кеча Хитой Тайпейида кураш бўйича ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоиз, юздан зиёд полвонлар қатнашган турнирда Мурод Дўсимбетов қўл остидаги полвонларимиз муносиб иштирок этди. Улар турнирнинг деярли барча вазн тоифалари бўйича ўтказилган баҳслар якунида шоҳсупага кўтарилишди.

Анчайин сермаҳсул натижалар қайд этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 8 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза медалларга эга чиқишди. Умумий ҳисобда 16 та медаль билан чемпионатда биринчи ўринни қўлга киритган вакилларимиз юртимизга ёруғ юз билан қайтиб келишди.

# ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК

***Россиянинг Махачқалъа шаҳрида ўн еттинчи бор ташкил этилган бокс бўйича анъанавий халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.***

Мазкур халқаро турнирда асосан иккинчи таркиб билан иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси битта олтин, бешта кумуш ва битта бронза медалларини қўлга киритди. Турнирда ҳаммаси бўлиб 16 давлатдан ташриф буюрган 198 нафар боксчи қатнашиб, ғалаба илинжида рингга кўтарилди.

Терма жамоамиз ҳисобига олтин медални 59 килограммгача бўлган вазнда Абдулҳай Шораҳматов келтирган бўлса, Азизбек Отажонов, Абдулла Қўчқоров, Анвар Туропов, Акмалбек Қосимов ва Улуғбек Мубиновлар ҳам ўзлари иштирок этган вазн тоифаларида кумуш медалларга эга чиқишди. Енгил вазнли боксчимиз Сардор Музаффаров (-56 кг) эса бронза медаль билан тақдирланди.

Польша, Австралия, Озарбойжон, Испания, Швеция, Қозоғистон, Эстония, Украина каби кучли бокс мактабига эга терма жамоалар қатнашган мусобақада россияликлар бизнинг терма жамоани медаллар ҳисоби бўйича ортда қолдириб биринчи ўринга сазовор бўлишган бўлса, Шимолий Корея боксчилари учинчи ўринга лойиқ кўрилди.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

## "101"

# ЁНҒИНЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

***Биз кундалик ҳаётимизда оловдан деярли ҳар куни фойдаланамиз. Аммо ундан фойдаланишнинг ҳам ўзига хос йўл-йўриғи ва талаблари бор. Агар шу меъёр талабларига амал қилмасак бизга катта кулфатларни олиб келиши мумкин.***

Унутмаслик керакки, энг аввало, ҳар бир хонадон соҳиби электр ва газдан фойдаланаётганда ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий амал қилиши керак. Нотўғри ва назоратсиз фойдаланиш натижасида ёнғин содир бўлиш ҳоллари вужудга келади. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, жорий йилнинг 16 сентябрь куни Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси 4-уй, 38-хонадоннинг ошхонасида ёнғин содир бўлган. Ёнғин хонадон эгасининг электр иситиш мосламасини назоратсиз қолдириши натижасида юз берган бўлиб, ошхона ичидаги жиҳозлар ёнғиндан зарарланган.

Азиз ҳамшаҳарлар, қуйидаги хавфсизлик қоидаларига амал қилишни унутманг:

— турар жой бинолари ва иш жойларида электр тармоғига бир вақтнинг ўзида бир нечта ток қабул қилувчи воситалар уламанг;

— электр асбобларини қаровсиз қолдирманг;

— улардан ёнғин хавфи бор жойларда очиқ ҳолатда фойдаланманг.

Шунингдек, табиий газдан нотўғри фойдаланиш ҳам турли ёнғин ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин. Табиий газни резина шланглар орқали улаш ўта хавфли саналади.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳар бир фуқаро ёнғин офатининг олдини олишга доимо эътибор қаратиб, хонадонда электр ва газ плиталаридан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланса, ўз уйи, мол-мулки ва ҳаётини хавф-хатардан сақлаган бўлади.

**Баҳодир ШОЮНУСОВ, Яшнобод тумани ИИБ ЁХБ смена бошлиғи, капитан**

**"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**

## Мутахассис маслаҳ

# УЙ ШАРОИТИД ГРИППНИ ДАВОЛ

***Йилнинг совуқ кунлари ўзи би бирга шамоллаш хасталикларин жумладан, инсон саломатлиги у хавфли саналган гриппни олиб келади. Гриппдан сақланишнинг осон йўли — докали ниқоб тақ юриш. Аммо бу етарли эмас. Бундан бошқа оддий қоидалар мавжуд.***

Ҳар куни оёқларни совуқ сувда ча организмни чиниқтириш учун бошқа м ларни ҳам қўлланг.

Жамоат транспортида камроқ юринг тоза ҳавода сайр қилинг.

Хоналарни сирка ёрдамида дезинфе лиш мумкин. Бунинг учун 0,5 л. ошхона сини то буғланиб кетгунига қадар пас да (20 дақиқа) қайнатилади. Ушбу проф муолажани ҳафтада 2-3 марта қилиш этилади.

Елвизак, намлик ва совуқдан эҳтиёт Совуқ кунларда иссиқ кийининг.

Қўлингизни иссиқ сувда совун билан ювиб туринг. Ювиш асносида бармоқла қисқа муддат массаж қилинг. Қўл т спирт билан артиб олинг.

Уй ва ишхонадаги хоналарни тез-т моллатиб, ҳавосини алмаштириб турин Бунда хоналар маълум миқдордаги ми дан тозаланади.

Доимий тарзда иммунитетни мустаҳ Иш вақти ва дам олишни тўғри та линг. Уйқусизликка беэътибор бўлманг. ган организм бактерияларга қарши яхш раша олади.

Ўпкалар фаолиятини яхшилаш учун олиш гимнастикасини бажаринг. Таом рини бироз камайтириб, кўпроқ турли ўс ламаларни, табиий, шунингдек, цитру валардан тайёрланган шарбатларни қилинг.

Профилактика учун касаллик белги зилиши билан ҳар тонгда бир дона а таблеткасини ичинг. (Бу борада шиф маслаҳат сўрашни унутманг).

Уйқудан олдин оёқ кафтларини би крем билан массаж қилинг. Оёқ кафт қон томирларни массаж қилиш улар ф ни яхшилайди, иммунитетни оширади.

Организмда С витаминини сақлаб тур таомномага тузланган карам шарбати ва бошқа цитрус меваларини киритинг.

Қора ёки қизил смородинадан тайё мурабболар шамоллаш ва яллиғланиш воситалар саналади. Мураббони чойга ичиш мумкин. Шунингдек, бу меваларн тилганларидан дамлама қилиб ичиш р сия этилади.

Клюква меваси сиропи ёки дамлама рат ошганда, умумий ҳолсизликда, т йўтал ва бошқа шамоллаш хасталик ёрдам беради.

Гриппнинг олдини олиш ва давола куритилган наъматак мевасидан 5 о олинади ва ҳовончада туйиб термосга ди, устидан қайнаган сув қуйилиб, қолдирилади. Дамламага бироз асал қар. қўшиб, кунига 3 стакандан ичила

*Шифобахш ичимлик:* 1,5 литр қайна га бир ош қошиқ туз, битта лимон ш аскорбин кислотасининг 1 граммли п солинади. Уйқудан 2 соат олдин қабу ган бу ичимлик ўзингизни тетик ҳис гизга кўмак беради. Таомномангизга соқли ёғни қўшинг. Бунинг учун сари даланган саримсоқ бўлагини соласиз суртиб истеъмол қиласиз.

Майдаланган саримсоқ бўлакларини халтачаларга солиб, каравотингиз уст қўйинг, ёстиқ остига ҳам қўйиш мумкин

Бир дона бош пиёзни тозалаб, кў ўтказинг ва икки қаватли докага қўйи қанотларига зайтун мойи суртиб, пиёз ни бурун устига ёпинг ва ўн дақиқ Муолажани кунига 2-3 марта қўлласа

**Азизбек НИ**

**Тошкент шаҳар Саломатлик ва статистика институти до ўри**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида* ***23 сентябрь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 11-13, кундузи — 27-29 даража иссиқ бўлади. Ўзгидромет мониторинги ти маълу кўра, 23 се ва* ***24 сентябрь*** *Тошкент шаҳри ҳаво шароити шу муҳитида зарарли ларнинг сақланиб га имконият яр ифлосланиш дар паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлим «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мум

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 955

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6378 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳар Акмал АК